

Таҳоратнинг аввалида «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», деб айтиш



09:45 / 02.12.2024 1774

Таҳоратнинг аввалида «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», деб айтиш мустаҳаб қилинган. «Бисмиллоҳ», деса ҳам кифоя. Соҳибларимиз айтишади: «Агар таҳоратнинг аввалида бисмиллоҳни айтмаса, давомида айтаверади. Хоҳ қасддан, хоҳ адашиб айтмай қолса ҳам, таҳорати мукамал бўлади».

(Муаллиф Имом Шофеъий мазҳабидалар. Шунинг учун бисмиллоҳни айтиш мустаҳаб дейиляпти. Бу суннат маъносидадир. Бизнинг Имоми Аъзам мазҳабимиздан бошқа мазҳабларда суннат «мустаҳаб» деб юритилади. – Таржимон.)

Бисмиллоҳни айтиш ҳақида келган ҳамма ҳадислар заифдир. Аҳмад ибн Ҳанбал: «Таҳоратда бисмиллоҳ дейиш тўғрисида бирорта собит ҳадис билмайман», деб айтганлар.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан